

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ РАД ЭТИЛГАНДА ЗАРАРНИНГ ҚОПЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ ОМИЛЛАР

Мавлонов Темур Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

таянч докторантура докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568402>

Анотация: Ушбу мақолада жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиши оқибатида зарар кўрган шахслар билан боғлиқ юзага келуватган муаммолар ҳақида айрим фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: рад этиш, иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи, норма, исботлаш, шикоят бериш.

ЖПКнинг 329-моддасида терговга қадар текширув якуни бўйича 3 турдаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозимлиги белгиланган бўлиб, улар жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва ТҚТ материалларини ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юбориш бўйича қарорлардир. Жиноят иши қўзғатилган ҳолларда зарар билан боғлиқ масалалар дастлабки тергов босқичида ҳал қилинади, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга имкон бўлади. Лекин, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда бундай дейиш бироз мушкул.

Жумладан, ЖПК 84-моддаси 1-қисми 6-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилганда хусусий айбловнинг хусуиятларига боғлиқ ҳолда аксарият ҳолларда зарар қоплаб берилади, ушбу модданинг 1-қисми 8-бандида моддий зарарни қоплаб бериш жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни чиқариш учун зарурий талаб сифатида белгиланган.

Аммо, ЖПК 83-моддаси 1-қисм 1,2-бандлари ва 84-моддаси 1-қисм 1-3,4,5,7-бандлари бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, зарар билан боғлиқ масала жиноят процессида ҳал қилинмасдан қолади. ЖПК 333-моддасида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилганда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилиниши ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозимлиги белгиланган. Бу моддада бир нечта масала ўз ечимини топмай қолган:

1. “жиноят ҳақида хабар берган шахслар” дейилганда жиноятдан жабр кўрган шахс назарда тутилмайди, баъзан хабар берган шахслар жиноятдан жабр кўрмаган шахслар ҳам бўлиши мумкин.
2. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида ушбу шахслар қанча вақт ичида хабардор қилиниши лозимлиги аниқ белгиланмаган ва аксарият ҳолларда уларга қарор чиқарилгандан бир неча кун ўтибгина бу ҳақида хабар қилинади.
3. Шахсларга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилсада, терговга қадар текширув материаллари билан танишиш имконияти берилмайди, ҳатто уларга жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси берилмайди. Бу эса уларнинг терговга қадар текширувни қандай далилларга асосланиб тугатилганини билиш

имкониятини чеклайди, шикоят бериш жараёнида ҳам бу ўз таъсирини кўрсатади, албатта.

Умуман олганда, терговга қадар текширув материаллари билан танишиш ҳуқуқи терговга қадар текширувга жалб қилинган бирон бир процесс иштирокчисига берилмаган, шунингдек уларнинг жиноят процессида иштирок этиш жараёнида процесс иштирокчиси сифатида ҳуқуқий мақомлари белгиланмаган.

Д.Р. Тўраева ўз тадқиқотида жиноятдан жабр кўрган шахсларга терговга қадар текширув босқичида ҳуқуқий мақом бериш ва жиноят иши қўзғатиш рад этилганда бу ҳақида хабардор қилиниши лозимлиги бўйича таклифни илгари сурган [1; 27, 89-6]. Аммо, уларга жиноят ишини қўзғатиш рад этилганда терговга қадар текширув материаллари билан танишиш бўйича ҳуқуқ берилиши масаласига тўхталмаган. Ғ.М. Абдусаломов ҳам ўз тадқиқоти давомида жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби белгиланмаганлигини, баъзи ҳолларда улар бундай қарор чиқарилганлиги ҳақида хабардор қилинмасдан қолаётганлигини эътироф этиб ўтган [2;109-6]. Лекин, у ҳам бу масаланинг ечимига тўхталиб ўтмаган.

Россия Федерацияси ЖПК 148-моддасида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси у чиқарилган вақтдан бошлаб 24 соат ичида аризага ва прокурорга юборилиши шартлиги белгиланган [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни ва янги 333¹ ва 333²- моддаларни киритишни таклиф этамиз:

*Ушбу Кодекс 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 — 8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, ушбу қарор чиқарилган пайдан бошлаб бир сутка ичида аризачи, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга **терговга қадар текширув материаллари билан танишиш, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси прокурорга юборилади.***

333¹-модда. Терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таъминлаш.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаргандан сўнг терговга қадар текширув материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида аризачи, ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш рад этилган шахсни ушбу Кодекснинг 333-моддасида белгиланган тартибда хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун иш материалларини тақдим этади.

333²-модда. Терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқиш тартиби.

Терговга қадар текширув материаллари танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳужжатлар рўйхат қилинган тарзда тақдим этилади.

Терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқиш муддати тўрт соатдан ошмаслиги лозим. Зарур ҳолларда бу муддат терговга текширув материаллари билан таништираётган шахс томонидан узайтирилиши мумкин.

Терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиқаётган шахс ишдаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзишга ва уларни фотосуратга олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговга текширув материаллари билан таништираётган шахс танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Терговга қадар текширув материаллари билан танишиб чиққан шахс томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади.

References:

1. Тўраева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2020. – Б. 180.
2. Абдусаломов Ғ.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари: Юрид. фан. номзоди дис. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2008. – Б. 176.
3. “Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 07.10.2022) URL: http://www.consultant.ru /document/cons_doc_LAW_34481 (Мурожаат этилган сана: 07.11.2022)